

## ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЛЕКСИК ГРАДУОНИМИЯ МАСАЛАСИГА ДОИР

Ширинова Нилуфар Джаббаровна

ЎзР ЖХУ Тилларни ўрганиш кафедраси доценти, филол.ф.н.

*Аннотация.* Мақолада инглиз тилида лексик градуонимия масаласи танилиши лингвист-олимларнинг изчил фикрлари асосида таснифланган бўлиб, мазкур ҳодисанинг амалий аҳамияти ҳақида хулоса қилинган.

*Калит сўзлар:* градуонимия, синонимия, лексик градуонимия, стилистик градуонимия, градуонимик луғат, градуоним, гипоним, гипероним.

*Аннотация.* Вопрос о лексической градуонимии в английском языке классифицирован в данной статье с помощью научных мнений известных лингвистов, а также сделан вывод о практической значимости данного явления.

*Ключевые слова:* градуонимия, синонимия, лексическая градуонимия, стилистическая градуонимия, градуонимический словарь, градуоним, гипоним, гипероним.

*Annotation.* The issue of lexical graduonymy in English is classified by the scientific views of famous linguists, also the decision on the practical significance of this phenomenon is made.

*Key words:* graduonymy, synonymy, lexical graduonymy, stylistical graduonymy, graduonymical dictionary, graduonym, hyponym, hyperonym.

Тил ҳақидаги фан қанчалик қадим тарихга эга бўлса, синонимия (ва антонимия) ҳодисасининг тадқиқи ҳам шунчалик узок даврга бориб тақалади. Бу, албатта, инсонларнинг илк гносеологик фаолияти маҳсули сифатида ўзаро ўхшаш (ва фарқли) бўлган реал ва нореал нарса, ҳодиса (ва уларнинг белги-хусусиятлари), ҳаракат (ва уларнинг ҳолатлари) каби борлиқ жараёнларини англай/фарқлай/ажрата бошлаганлари билан боғлиқ. Эътироф этиш жоизки, маънодошлик (синонимия) нафақат лексик, балки лисоний ҳодиса сифатида жаҳон тилшунослигида (Л.Мёрфи, П.Эдмондс ва Г.Хирст, С.Фельбаум, Д.Круз, Р.Сайфуллаева, И.Сиддикова, Р.Юнусов каби) анча изчил тадқиқ этилгани, нафақат босма, балки онлайн синонимик луғатлар ҳам яратилгани, шунингдек,

WordNetда синонимларни жойлаштириш бўйича анча ишлар амалга оширилаётганига қарамай, унинг лисоний даражаланиш муносабати билан алоқадорлиги, ўхшаш ва фарқли томонлари борасида, афсуски, етарлича тадқиқотлар амалга оширилган деёлмаймиз. Чунончи, бу борада Ҳ.Неъматов, О.Бозоров, Ж.Жумабаева томонидан олиб борилган изланишларни мисол келтириш мумкин [2]. Градуонимия ва синонимия ҳодисаларининг ўзаро муносабати ҳақида О.Бозоров ўз илмий ишида айрим маълумотларни беради, жумладан, у В.Г.Павловнинг фикрини қувватлаб, қуйидагича ёзади: *“Градуонимия ва синонимия ҳодисалари ўзларининг асос белгиларига кўра кескин фарқланадилар. Зеро синонимия икки ва ундан ортиқ лексема ва фраземалар семемаларининг айнанлигига асосланса, градуонимия семемалар асосий семалардаги градацияли фарқланувчига таянади. Бундан синонимларда асосий маъноларнинг тенглиги, градуонимияда эса тенг эмаслиги маълум бўлади”* [1, 57].

Айнан мана шу таъриф аслида синонимиядан ўсиб чиққан, таъбир жоиз бўлса, синонимия ва антонимиянинг ўзаро ҳамкорлигини намоён этиладиган лисоний даражаланиш ҳодисасига берилган энг сара изоҳ бўлиб, градуал муносабатларни алоҳида тил ҳодисаси сифатида тадқиқ ва таҳлил этишга йўл очади. Бундан ташқари, ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида корпус лингвистикасини ривожлантириш мақсадида синонимларнинг градуонимлардан фарқи ва ўзаро алоқадорлигини ўрганиш муҳимлиги кундан-кунга аёнлашиб бормоқда. Инглиз тилида лексик ва стилистик даражаланишни махсус тадқиқ қилган Ж.Жумабаеванинг фикрича, *“сўзлар градуонимик луғатларининг яратилиши синонимлар ва градуонимларни ажратишга ёрдам беради”*. Бугунги кунда тил фойдаланувчиларининг замонавий талабларини инобатга олган ҳолда, бу тамойил, албатта, нафақат босма, балки онлайн луғатларда ҳам акс этиши лозим, деган фикрдамиз.

Авваламбор, турли тилларда олиб борилган синонимлар таҳлилида уларнинг соф синонимлар, квазисинонимлар, контекстуал, окказионал синонимлар, мантикий синонимлар, когнитив синонимлар, стилистик синонимлар каби кўплаб турларга ажратилишини кўрамиз. Аммо бу тилларнинг барчасида яратилаётган луғат ва қомусларда ҳамма синонимлар ҳам ҳар доим бир хил маънони ифода эта олмаслиги таъкидланади. Жумладан, инглиз тилида ҳам соф синонимлар жуда камчиликни ташкил этиши эътироф этилиб, ҳар доим ҳам тезаурусларда берилган синонимлар бир-бирининг ўрнини боса олмаслиги мисоллар билан кўрсатиб ўтилади. Мисол учун *elated* ва *happy* сўзлари олинган бўлиб, *elated* ўрнига *happy* ишлатилиши мумкин, лекин *happy* – *elated* сўзининг

асл маъносини берувчи синоним сифатида қаралмаслиги таъкидланади. *Elated* сўзи *happy* сўзининг гипоними сифатида қаралиши мумкинлиги қуйидаги мисол орқали исботлашга ҳаракат қилинади: *Britt is elated. → Britt is happy. (Thus, we can't say: Britt is elated, but she's not happy) – Бритт еттинчи осмонда → Бритт бахтли. (Демак, биз Бритт еттинчи осмонда, лекин у бахтли эмас дея олмаймиз). Britt is happy. Britt is elated. (So, we can say: Britt is happy, but she's not elated.) – Бритт бахтли. → Бритт еттинчи осмонда. (Демак, биз Бритт бахтли, лекин у еттинчи осмонда эмас, дея оламиз).* Демак, *elated* сўзи *happy* сўзига қараганда юқори, кучли даражага эга бўлганлиги сабабли ҳам улар ўрин алмашганда, бирининг асл маъносини ва моҳиятини иккинчиси тўлиқ бера олмаслигини кўришимиз мумкин, бу эса, ўз-ўзидан, градуонимия ҳодисасининг инглиз тилида тадқиқ этилмаганидан далолат беради.

Инглиз тилида синонимия ва градуонимиянинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш мақсадида тезаурус(лар)га мурожаат қилдик ҳамда манбаларда ўзаро маънодош бирликлар орасида соф синонимлар ҳам иштирок этишининг гувоҳи бўлдик. Масалан, **abuse** v Abuse, misuse, mistreat, maltreat, ill-treat, outrage all denote to use or treat a person or thing improperly or wrongfully. Abuse and misuse are capable of wider use than the others, for they do not invariably imply either deliberateness or wantonness {I can't abuse your generosity to that extent. You're doing more than enough for me already—Mackenzie}.

Мазкур таҳлилдан кўриниб турибдики, *abuse, misuse, mistreat, maltreat, ill-treat, outrage* сўзлари синонимлар луғатидан жой олган бўлса-да, улар орасида нафақат стилистик (коннотатив) фарқланишни, балки денотатив фарқланишни ҳам кузатишимиз мумкин: бинобарин, *misuse* “subversion” маъносини (бузиш/йўқотиш/вайронкорлик/ кўпоровчилик жараёнини) ифодаловчи сўзлар ичида бирор-бир ишни нотўғри амалга ошириш, нотўғри қўллаш, ниманидир суиистеъмол қилишни назарда тутса, *abuse* бирор-бир объект/ҳаракат/ҳолатни оқибатлари билан тугатиш, йўқотишни ифодалайди, яъни, ўз-ўзидан мазкур сўз бузиш/йўқотиш/вайронкорлик/кўпоровчилик фарқловчи семаси асосида қаторланувчи элементлар ичида “кўпоровчиликнинг кучайиши” йўналишида кейинги позицияни эгаллайди. *mistreat/maltreat/ill-treat* сўзлари\* эса бир-бирига жуда яқин маъноли сўзлар сифатида зулмкор-жоҳил фаолиятнинг намойиши кўринишида кейинги интенсив аъзо мақомини олади. Мазкур градуонимик занжирнинг охириги кучли учини *outrage* эгаллайди, бинобарин, бу сўз чек-чегара билмайдиган, ҳадсиз зулм, агрессия, вайронкорликни билдиради. Кўринадики,

\*Биз ўзаро тенг (идентик) маъноли сўзларни тенглик, дублетлик белгиси бўлган “/” орқали ажратишни маъқул топдик.

луғатга киритилган юқоридаги маънодош лексик birlikлар орасида ҳам ўзига хос даражаланиш муносабатлари юзага келади:

### Intensification of the meaning of subversion

*misuse ~ abuse ~ mistreat/maltreat/ill-treat ~ outrage*

### Neutralization of the meaning of subversion

#### 1-расм. Инглиз тилида “қўпоровчилик” семаси асосида даражаланувчи градуонимлар

Баъзан алоҳида ажратиладиган аналогик сўз (analogous words)лар алоҳида градуонимик қатор ҳосил қила олиши ҳам мумкин, яъни ишлатилиш кўламига кўра даражалари аниқланиб, қатор аъзолари аналогик birlikлардан иборат бўлади. Мисол тариқасида *abuse* сўзининг градуонимик қаторига кирмай қолган *hurt, injure, harm, damage, impair, mar, spoil* каби сўзлар зарар етказиш, булғаш, лат етказиш билан боғлиқ ҳолда аналогик маънодошликни намоён этгани ва шунда ҳам ўзаро даражаланиш муносабатларини намоён этгани учун алоҳида градуонимик қаторга тизилиши мумкин [3]:

*hurt ~ injure ~ harm ~ damage ~ impair ~ mar/spoil*

Синонимия ва градуонимия ўртасида нафақат фарқли жиҳатлар, балки умумий томонлар ҳам мавжуд. Шулардан бири: синонимик ва градуонимик қатор(лар)нинг очиклиги (чекланмаганлиги). Яъни маънодошлик қаторлари, биринчидан, давр тақозоси, нутқ, жамият талаби асосида тўлдирилиб бориши мумкин. Иккинчидан, маънодошлик қаторлари нутқнинг аташ birlikлари, фразеологик иборалар, мустақил лексема семемаларининг турлари, ясама сўзлар, сўз бирикмалари, сўзларнинг нутқий кўчма маънолари билан боғланиб, ўз қаторини нутқий маънодошлик (контекстуал синонимия) воситалари билан кенгайтириб борилади. Умумий томонлардан яна бири – ҳар иккала тур қаторлар битта бош лексема (доминанта) атрофида бирлашишидир. Бунда бош лексеманинг асосий хусусияти – бу лексема семемаси таркибидаги ифода семалари маънодошлик қаторида белгиланган, ойдинлаштирилган ифода семаларига нисбатан бефарқ (нейтрал) бўлади. Масалан, *бола* – *фарзанд* – *зурриёд* синонимик қаторида *бола* доминант сўз бўлса, *ниҳол* – *кўчат* – *дарахт* градуонимик қаторида *дарахт* бош сўз ҳисобланади.

Юқорида айтилганидек, тил ҳақидаги фанда синонимия қанчалик кенг ўрганилган бўлмасин, унинг ичидан градуонимияни ажратиш ва шу орқали тил бирликларини даражаланувчи бирликлар асосида тартиблаш тамойили ҳали ўз ечимини кутаётган масала саналади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Mengliyeva S. S. HARBIY OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA INGLIZ TILINI O 'QITISH ORQALI INNOVATSION METODLARNI QO 'LLASH //PEDAGOGS jurnali. – 2023. – Т. 30. – №. 2. – С. 22-25.
2. Менглиева, Сунбула. "Increasing the professional competence of cadets through the method of projects." Общество и инновации 3.10/S (2022): 296-300.
3. Широнова, Нилуфар Джаббаровна, and Мухайё Хасановна Давлатова. "МОРФОЛОГИЧЕСКИЙ СПОСОБ РАЗГРАНИЧЕНИЯ ЗНАЧЕНИЙ ПРЕДМЕТНОСТИ И КАЧЕСТВЕННОСТИ В СИСТЕМЕ ЯЗЫКА." Muassis: Vuxoro davlat universiteti TAHRIRIYAT: Muharrirlar: MQ Abuzalova MA Bokareva NN Voxidova 40.
4. Shirinova, Nilufar Djabbarovna, Shirinova, Nargiza Djabarovna LISONIY PARALLELIZM HODISASIGA DOIR // ORIENSS. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/lisoniy-parallelizm-hodisasiga-doir> (дата обращения: 10.10.2023).
5. Атаева Р. Р. ВОПРОСУ О ПОЛИВЕРШИННЫХ СЛОВООБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ГНЕЗДАХ РУССКОМ ЯЗЫКЕ //XIV Виноградовские чтения. – 2018. – С. 25-27.
6. Kenjabayevna, Darvishova Gulchehra. "USING VIDEOS IN EFL LESSONS." Journal of new century innovations 25.3 (2023): 91-93.
7. Darvishova, Gulchexra Kenjabayevna SHARLOTTA BRONTE IJODIDA AYOLNING IJTIMOIY MAVQEI // ORIENSS. 2023. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sharlotta-bronte-ijodida-ayolning-ijtimoiy-mavqei> (дата обращения: 10.10.2023).
8. Latipov O. J. Analysis of the semantic structure of the thematic spaces of "domestic animals" in different languages (On the material of Russian, Uzbek and Tajik languages): Author. dis. kand. filol. science //Т., 1997.-28 p. – 1997.
9. Латипов, Окил. "RUS, O 'ZBEK, TOJIK VA INGLIZ TILLARIDA "DOG/IT/SAG" ZONIM SO 'ZINING KONSEPTUAL TALQINI." Farg 'ona davlat universiteti ilmiy jurnali 1 (2023): 454-461.

10. Nasimovich, Radjabov Nasir. "ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ОЛДИ УНЛИЛАР ДИСТРИБУЦИЯСИ." JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH 5.4 (2022): 117-120.
11. Раджабов, Насир Насимович ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН КЎРИНИШЛАРИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbek-tilida-unli-fonemalarning-pozitsion-k-rinishlari> (дата обращения: 10.10.2023).
12. Anvarovich, Mavlonov Otabek, and Radjabov Nasir Nasimovich. "Reciprocal Study of Theology and Linguistics in Uzbekistan." International Journal of Psychosocial Rehabilitation 24.09 (2020).
13. Туйчибаева, Ш. Ш. "Семантика фразеологических оборотов в русском и узбекском языках." Хорезмской академии Маъмуна 6/3 (2022): 90.
14. Туйчибаева, Шахноза Шакировна, Бахромбоева, Сабринабону Аббос Кизи ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ КИТАЙСКИХ СТУДЕНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ КАК ИНОСТРАННОМУ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 26. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-obucheniya-kitayskih-studentov-russkomu-yazyku-kak-inostrannomu> (дата обращения: 10.10.2023).
15. Туйчибаева, Шахноза Шакировна. "Методика работы над текстами в практическом курсе русского языка студентов национальных групп технических вузов." (1994).
16. Умарова Ф. З. РАЗРАБОТКА ОДНОГО ПРАКТИЧЕСКОГО ЗАНЯТИЯ ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ // Journal of new century innovations. – 2023. – Т. 25. – №. 3. – С. 97-103.
17. Умарова, Ф. З. "МЕТОДИЧЕСКАЯ РАЗРАБОТКА ПО РУССКОМУ ЯЗЫКУ НА ТЕМУ «НАРЕЧИЕ. РАЗРЯДЫ НАРЕЧИЙ»." ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ 18.1 (2023): 34-40.
18. Умарова, Ф. З. "КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ–ВАЖНОЕ ПРЕИМУЩЕСТВО БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 2.Special Issue 28 (2022): 429-434.
19. Ширинова, Наргиза. "ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУРСАНТЛАРИНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА "ФАОЛЛИК" ТУШУНЧАСИ ТАЛҚИНИ." Talqin va tadqiqotlar 1.8 (2023).
20. Shirinova, Nargiza. "USING GAMES IN TEACHING ENGLISH VOCABULARY FOR STUDENTS OF ENGINEERING." Irrigatsiya va Melioratsiya 3 (2018): 89-92.

21. Shirinova, N. "ORGANIZATION OF THE ENGLISH TEACHING PROCESS." *Irrigatsiya va Melioratsiya* 2 (2018): 61-64.
22. Эркаев, Э. Т. "ТАРЖИМАНИ ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎРГАТИШГА ДОИР." *ЖАНОН ИLM-FANI ТАРАҚҚИЙОТИДА ТАРЖИМАШУНОСЛИКНИНГ АНАМИЯТИ* (2021): 131.
23. Эркаев, Элмирза. "Таржимани ўргатишда лингводидактик ёндашув." *Общество и инновации* 2.3 (2021): 120-124.
24. Рашидова, Мунаввар Хайдаровна. "Из истории развития скаффолдинга." *International conferences. Vol. 1. No. 16. 2022.*
25. Хайдаровна, Rashidova Munavvar. "Sociolinguistic competence as the main component of intercultural communicative competence." *EPRA International Journal of multidisciplinary Research* 7.3 (2021): 4-6.
26. Akhmedov, Doniyor A., et al. "Simulation of the effect of turning steering wheel intensity on the vehicle stability." *International journal of recent technology and engineering (IJRTE)* 9.2 (2020): 242-247.
27. Булычёва, Маргарита Фаритовна. "Система использования наглядности в условиях краткосрочных форм обучения [начальный этап]." *Вестник науки и образования* 24-1 (102) (2020): 71-76.
28. Булычёва, М. Ф. "К вопросу о рациональных приёмах запоминания учебного материала." *Science and Education* 4.2 (2023): 1359-1369.